

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019 Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДЖАНОВА ЗУМРАД БАХРАМОВНА

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИГА УЧРАГАН, СУРУНКАЛИ МИЯ
ИШЕМИЯСИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЎРТАЧА
КОГНИТИВ БУЗИЛИШИНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА
БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13-Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмеджанова Зумрад Бахрамовна

Коронавирус инфекциясига учраган, сурункали
мия ишемияси билан оғриган беморларда ўртача
когнитив бузилишининг клиник-неврологик
ва биокимёвий хусусиятлари..... 3

Ахмеджанова Зумрад Бахрамовна

Клинико-неврологические и биохимические
особенности умеренных когнитивных нарушений
у больных, страдающих хронической ишемией головного
мозга, перенесших коронавирусную инфекцию..... 25

Ахмеджанова Зумрад Бахрамовна

Clinical-neurological and biochemical features
of moderate cognitive impairment in patients
suffering chronic brain ischemia who have undergone
coronavirus infection..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019 Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДЖАНОВА ЗУМРАД БАХРАМОВНА

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИГА УЧРАГАН, СУРУНКАЛИ МИЯ
ИШЕМИЯСИ БИЛАН ОЌРИГАН БЕМОРЛАРДА ЎРТАЧА
КОГНИТИВ БУЗИЛИШИНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА
БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13-Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1540 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Яқутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирджураев Элбек Миршавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Махкамова Наргиза Уткуровна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт Академияси

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44; e-mail: info@timpe.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел./Факс: (+998) 71-268-17-44.

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А.Акилов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г.Гафуров,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Коронавирус инфекцияси дунёда нафақат янги вируснинг юқори тажовузкорлигини, балки унинг жиддий неврологик ва юрак-қон томир асоратларини келтириб чиқариш қобилиятини ҳам намоён қилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...коронавирус билан касалланган беморларнинг кўпчилиги енгил ва ўртача даражадаги респиратор касаллик аломатларини сезадилар ва махсус даволанишни талаб қилмасдан тузалиб кетадилар. Шу билан бирга, касаллик баъзи беморларда тиббий аралашувни талаб қиладиган оғир шаклда кечади. Коронавируснинг оғир шакли кўпинча кекса ва ёндош касалликлари мавжуд бўлган, хусусан, юрак-қон томир, нафас олиш тизимининг сурункали касалликларида, қандли диабет беморларда ривожланади»¹. Қон томир хавф омиллари бўлган ва ҳамроҳ касалликларга чалинган беморларда COVID-19 билан боғлиқ когнитив фаолиятининг бузилишларини аниқлаш ва коррекция қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда COVID-19 ҳамда сурункали мия ишемияси (СМИ) бўлган беморларда неврологик ўзгаришларни эрта коррекция қилиш ва асоратларини олдини олиш бўйича тадбирларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, сурункали СМИ қўйилган COVID-19 инфекциясини ўтказган беморларда когнитив ўзгаришларни баҳолаш, неврологик асоратлар профилактикасини такомиллаштириш, даво мезонларини оптималлаштириш, COVID-19 туфайли когнитив бузилишлар ривожланишининг механизмлари, шу жумладан, вируснинг нейрон ва глиал ҳужайраларига ҳамда нейротрансмиттер тизимига таъсири, эндотелиал дисфункция, коагулопатия каби патологик жараёнлар ўрганилмоқда. Коронавирус инфекциясига учраган, сурункали мия ишемияси билан оғирган беморларда ўртача когнитив бузилишларни деменцияга ўтиш эҳтимолини олдиндан баҳолаш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан бир қаторда коронавирус инфекцияси тарқалишининг асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «... аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида аҳоли орасида коронавирус инфекциясидан

¹ World Health Organization, 2021. https://www.who.int/health-topics/coronavirus#tab=tab_1

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони.

кейинги ўртача когнитив бузилишларининг клиник-нейрофизиологик, нейроиммунологик ва биокимёвий ўзига хослиги аниқлаш ва ташхислашни оптималлаштириш, замонавий тиббий ускуналардан тўлақонли фойдаланиш даражасини янги босқичга кўтариш ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110–сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармонлари, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сонли “Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш тўғрисида”, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти VI. “Тиббиёт ва фармакология” бўйича Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлар талабларига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. 2 йил давомида замонавий жамиятнинг энг долзарб тиббий ва ижтимоий муаммоларидан бири бу янги коронавирус инфекцияси (COVID-19), ушбу касалликка ва унинг асоратларига чалинган беморларни даволаш йўллари аниқлашдан иборат (В. Головачева, 2021). COVID-19 инфекцияси оғир неврологик асоратларни ривожланиш хавфини оширади. COVID-19 натижасида вужудга келган миянинг шикастланиши когнитив жараёнларга узоқ вақт давомида таъсир кўрсатиши мумкин. Қон томирларнинг патологик ҳолати ҳамда беморлардаги когнитив ўзгаришлар муҳим тиббий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради (Zara-Perez, 2021).

COVID-19 туфайли когнитив бузилишлар ривожланишининг патогенетик механизмлари, шу жумладан, эндотелиал дисфункция, коагулопатия ва тромб шаклланиши каби қон томир патологиялари баҳоланган (Р.Чен, 2020). COVID-19 билан касалланган беморларнинг 36,4 % неврологик аломатларга эга: бош оғриғи, онгнинг бузилиши, парестезия (L. Мао ва бошқалар., 2022). COVID-19 билан боғлиқ бўлган когнитив бузилишлар ривожланиш хавфи кекса одамларда, шунингдек қон томир хавф омиллари (гипертония), ҳамроҳ ва сурункали касалликлари мавжуд, олдинги неврологик касалликлар ва ўтқир нафас бузилиш аломатлари бўлган беморларда юқори эканлиги аниқланган (Ortelli, 2021).

Цереброваскуляр етишмовчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши кўп факторли характерга эга бўлиб, кекса ёшдаги беморларда бош мия

тўқималарида ҳақиқий инволюцион ўзгаришлар билан боғлиқлик мавжудлиги баҳоланган. COVID-19 учун патогномоник - цефалгик синдром, инфекцион-токсик энцефалопатия, бош мия нервларнинг биринчи жуфти шикастланиши туфайли беморларда гипо- ва аносмия ривожланиши, шунингдек, VII ва IX нервларнинг сезги қисми зарарланиши натижасида гипо- ва агеvзия ривожланиши аниқланган (Холин А.А., Заваденко Н.Н. ва бошқалар, 2020).

Шундай қилиб, ҳозирги кунда COVID-19 ўтказган сурункали мия ишемияси бўлган беморларда когнитив бузилиш ҳолатлари тобора кўпайиб бормоқда ва уларнинг ўз вақтида ташхислаш чораларини оптималлаштириш, ҳамда ўртача когнитив бузилишнинг деменцияга ўтишини прогноз қилиш усулларини ишлаб чиқишга бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Коронавирус инфекциясига учраган сурункали мия ишемияси бўлган беморларда ўртача когнитив бузилишларнинг клиник-неврологик, нейрофизиологик, биокимёвий, нейроиммунологик хусусиятларини аниқлаш, ушбу патологиянинг асоратларини олдини олиш бўйича янги диагностик имкониятларни такомиллаштириш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Асаб касалликларида қон-томир, яллиғланиш, дегенератив ва наслий нерв мушак касалликларининг патогенетик хусусиятлари” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2019-2023 йй).

Тадқиқотнинг мақсади коронавирус инфекциясига учраган ҳамда сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда ўртача когнитив бузилишининг клиник-неврологик, биокимёвий ва нейрофизиологик хусусиятларини аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 ўтказган сурункали мия ишемияси бўлган беморларда когнитив фаолиятида патологик ўзгаришларни аниқлаш;

COVID-19 ўтказган сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларнинг нейрофизиологик ҳолатини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган сурункали мия ишемияси бўлган беморларда когнитив бузилишларнинг ривожланишида нейробиомаркерларнинг (GFAP, S100 оқсили, серотонин ва дофамин рецепторларига бўлган антитаначалар) аҳамиятини аниқлаш;

COVID-19 ўтказган сурункали мия ишемияси бўлган беморларда когнитив бузилишнинг биокимёвий профилининг хусусиятларини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда когнитив бузилишлар ривожланишининг биокимёвий ва нейроиммунологик маркерларини аниқлаш;

сурункали мия ишемияси фонида ўртача когнитив бузилишлар клиник кечишининг ёмонлашишини ва деменцияга ўтишини прогноз қилиш шкаласини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2021 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси қошидаги тиббиёт бош бошқармасининг 2 – сонли марказий клиник шифохонасида даволанган 47 ёшдан 87 ёшгача бўлган бош мия сурункали ишемияси ташҳиси қўйилган беморлар ва 20 нафар амалий соғлом кишилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник ва неврологик текширув, когнитив тестлар натижалари, биокимёвий кўрсаткичлар ва нейробиомаркерларни аниқлаш учун периферик қон, когнитив чақирув потенциалининг Р-300 кўрсаткичлари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида клиник маълумотлар, анамнез, неврологик текширувлар, нейрофизиологик тадқиқотлар (когнитив чақирув потенциали), нейропсихологик тестлар, биокимёвий анализ ва статистик тадқиқотлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали мия ишемияси бўлган беморларда COVID-19 инфекцияси ўтказгандан кейин нейрон алоқаларининг номутаносиблиги туфайли когнитив чақирув потенциалининг (Р300) амплитудаси пасайиши ва латентлик даврининг кенгайиши аниқланган;

сурункали мия ишемияси бўлган беморларда коронавирус инфекцияси ўтказгандан кейин SARS-CoV-2 вирусининг глиал хужайраларга таъсир этиши натижасида антитаначалар (GFAP, S100 оксиди) фаоллашуви когнитив етишмовчиликнинг авж олишига таъсири аниқланган;

сурункали мия ишемияси бўлган беморларда коронавирус инфекцияси ўтказгандан кейин SARS-CoV-2 вирусининг липогенез фаоллашишувига ва тромбоцитлар агрегацияси кучайишига олиб келиши туфайли липид профилининг ва коагулограмма кўрсаткичларининг мувозанати бузилиши аниқланган;

илк бор сурункали мия ишемияси бўлган беморларда коронавирус инфекцияси ўтказгандан кейин SARS-CoV-2 вирусининг нейротрансмиттер тизимига таъсир этиши натижасида когнитив бузилишларнинг эрта предикторлари бўлган нейробиомаркерлар фаоллашуви (серотонин ва дофамин рецепторларига бўлган антитаначалар) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш амалиётига сурункали мия ишемияси фонида ўртача когнитив бузилишлар клиник кечишининг ёмонлашишини ва деменцияга ўтишни прогноз қилиш шкаласи ишлаб чиқилган;

нейроиммунологик параметрлар, хусусан, GFAP, S100, серотонин ва дофамин рецепторларига антитаначалар даражасининг статистик жиҳатдан сезиларли фарқлари аниқланган ва уларни анамнезида COVID-19 инфекцияси бўлган сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда

когнитив бузилишнинг ривожланиши учун маркер сифатида қўллаш тавсия қилинган;

сурункали мия ишемиси бор беморларда когнитив бузилишларни эрта ташхислаш мақсадида когнитив чақирув потенциалларни аниқлаш таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, бир-бирини тўлдирувчи клиник, неврологик, нейрофизиологик, нейропсихологик ва статистик усулларни қўлланилганлиги, текширувдан ўтказилган беморлар сонининг етарлилиги, когнитив ҳолатини ташхисотини такомиллаштириш учун статистик таҳлил усулларига асосланганлиги, шунингдек уларни халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ваколатли органлар томонидан берилган хулосалар ва натижалар билан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, анамнезида коронавирус инфекцияси бўлган сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда когнитив бузилишларни ташхислаш, клиник-неврологик ва нейрофизиологик хусусиятлар билан нейробиомаркерларининг орасида корреляцион боғлиқликни аниқлаш шунингдек, диагностика қилиш имконини оптималлаштириш билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, анамнезида коронавирус инфекцияси бўлган сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда биокимёвий ва нейрофизиологик ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ўртача когнитив бузилишларни эрта ташхислаш беморларнинг жамиятда ногиронлик даражасининг кўпайишини олдини олади ва амбулатор шароитда УАШга касалликни тўғри олиб бориш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши: Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 03/37-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2022 йил 12 сентябрдаги 03/1749-сонли хати юборилган.):

Биринчи илмий янгилик: сурункали бош мия ишемияси бўлган беморларда COVID-19 инфекцияси ўтказгандан кейин нейрон алоқаларининг номуносивблиги туфайли когнитив чақирув потенциалининг (P300) амплитудаси ортиши ва латентлик даврининг кенгайиши аниқланиб, бу ўз навбатида беморларга ўз вақтида махсус йўналтирилган даво тайинланганлиги Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1 – сонли Марказий консультатив-диагностик поликлиникаси бўйича 06.09.2022 йилдаги 8-сонли далолатнома билан ва 2 - сонли Марказий консультатив-диагностик поликлиникаси бўйича 06.09.2022

йилдаги 8-сонли далолатнома билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган диагностика усули COVID-19 ўтказган сурункали мия ишемияси бўлган беморларда когнитив чақирув потенциалининг Р 300 амплитудасини ва латентлик даври кўрсаткичларини ўрганиш беморларда когнитив бузилишларнинг даражасини аниқлаш имконини берган ва қўпол когнитив бузилишларни ўз вақтида олдини олишга эришилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали мия ишемияси бор бўлган беморларнинг COVID-19 ўтказгандан кейинги когнитив бузилишларнинг яширин белгиларини эрта аниқлашда когнитив чақирув потенциали катта ахамиятга эга бўлиб, ушбу усул билан нейровизуализацион тасвирларда кўринмайдиган электронейрофизиологик тўлқинлар аниқланган ва бир нафар бемор учун 60 минг сўм сарфланган ва қиммат нейровизуализацион усулни қўлланилишига нисбатан 240 минг сўм тежаш имконини берган. Шифохонада йилига 1 маротаба госпитализация қилинишига эришилган, шифохонада қолиш муддатини 10 кундан 8 кунга камайтирилишига эришилган. Беморларнинг шифохонадан ташқаридаги даври учун (бошқа тиббий муассасаларда даволаниши учун) даволаниши бир неча кунга қисқариши ҳисобига дори-дармон нисбатан кам талаб этилган. Хулоса: Р 300 когнитив чақирув потенциали COVID-19 ўтказган сурункали мия ишемияси бўлган беморларда самарали текширув усули бўлиб ўртача когнитив бузилишларни аниқлашда иқтисодий самарадорликка эга. Когнитив чақирув потенциали беморларни деменцияга ўтиб кетиш хавфини башорат қилган ва тавсия қилинган чора тадбирлардан кейин ижтимоий ногиронлик олди олган; нейровизуализацион усулларга нисбатан иқтисодий тежамкорликка эга.

иккинчи илмий янгилик: сурункали бош мия ишемияси бўлган беморларда коронавирус инфекцияси ўтказгандан кейин SARS-CoV-2 вирусининг глиал ҳужайраларга таъсир этиши натижасида антитаначалар (GFAP, S100 оқсилга) фаоллашуви когнитив етишмовчиликнинг авж олишига таъсири аниқланганлиги Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1 – сонли Марказий консультатив-диагностик поликлиникаси бўйича 06.09.2022 йилдаги 8-сонли далолатнома билан ва 2 - сонли Марказий консультатив-диагностик поликлиникаси бўйича 06.09.2022 йилдаги 8-сонли далолатнома билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID-19 ўтказган сурункали мия ишемия бўлган беморларда ўртача когнитив бузилишларни ўз вақтида ташхислаш орқали қўпол когнитив асоратларни (деменция) камайишига эришилган; таклиф қилинган баллик шкала орқали махсус мутахассислар кўриги давомийлиги аниқ белгилаб берилган; сурункали мия ишемияси бўлган беморларда нейроиммунологик текширувларнинг касалликнинг эрта даврларида ўтказилиши бош миядаги патологик жараёнларни эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштирилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: сурункали мия ишемияси мавжуд бўлган ҳар бир

беморнинг ташхисоти учун ўрта ҳисобда 1,2 миллион сўм сарфланади. COVID-19 ўтказган беморларнинг когнитив фаолиятининг бузилиши узок муддатли медикаментоз коррекцияни талаб этади. Беморларни ўз вақтида ташхислаш, когнитив фаолиятини нейроиммунологик усул ёрдамида баҳолаш касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш имконини берди. Бош мия фаолиятини мутаносиблигини ташхислаш мақсадида Eli-N тести кўрсаткичлари (12 та) орасида (360 минг сўм) бош мия зарарланишини аниқловчи диагностик аҳамиятга эга бўлган 2 та кўрсаткичлар аниқланган (GFAP, S 100 оксидига антитаначалар); битта бемор учун 75 минг сўм сарфланиб, 285 минг сўм тежашга эришилди. Шифохонада йилига 1 маротаба госпитализация қилинишига эришилган, шифохонада қолиш муддатини 10 кундан 8 кунга камайтирилишига эришилган. Беморларнинг шифохонадан ташқаридаги даври учун (бошқа тиббий муассасаларда даволаниши учун) даволаниши бир неча кунга қисқариши ҳисобига доридармон нисбатан кам талаб этилган. Хулоса: сурункали мия ишемияси бўлган беморларда COVID-19 инфекцияси ўтказгандан кейин нерв тизимидаги нейроиммунологик жараёнларнинг ўзгаришлари глиял хужайраларининг фаоллашуви билан исботланди. Бу замонавий нейроиммунологик усул ёрдамида текширилиб, қўпол когнитив бузилишлари вужудга келиши мумкин бўлган беморлар сараланиб, баллик шкала ёрдамида махсус мутахассислар томон йўналтириб ташхислаш ва даволаш сифати яхшилланган.

учинчи илмий янгилик: Илмий янгиликнинг моҳияти: сурункали бош мия ишемияси бўлган беморларда коронавирус инфекцияси ўтказгандан кейин SARS-CoV-2 вирусининг липогенез фаоллашишувига ва тромбоцитлар агрегацияси кучайишига олиб келиши туфайли липид профилининг ва коагулограмма кўрсаткичларининг мувозанати бузилиши аниқланганлиги Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1 – сонли Марказий консультатив-диагностик поликлиникаси бўйича 06.09.2022 йилдаги 8-сонли далолатнома билан ва 2 - сонли Марказий консультатив-диагностик поликлиникаси бўйича 06.09.2022 йилдаги 8-сонли далолатнома билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID-19 инфекциясини ўтказган сурункали мия ишемияси бўлган беморларда липид спектри ҳамда коагулограмма кўрсаткичларининг номутаносиблигини эрта аниқлаш қўпол асоратлар кузатилишини олдини олади; таклиф этилган баллик шкаласидан фойдаланиш ўртача когнитив бузилишларнинг деменцияга айланишини олдини олган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) Беморларда стационар даволаш шароитида қондаги липид профили ва коагулограмма кўрсаткичларини эрта ташхислаш беморларда ривожланиши мумкин бўлган қўпол асоратларни олдини олишга эришилди; 2) Қўпол когнитив асоратлари мавжуд бўлган ҳар бир беморнинг стационар даволаниши учун ўрта ҳисобда 3,6 млн сўм сарфланади, бу беморлар йилига икки маротаба госпитализацияга мухтож бўлиб йилига 6,2 млн сўмга айланади. Липид профил ва коагулограмма кўрсаткичларини аниқлаш ва махсус йўналтирилган даволашни ташкил

қилиш орқали COVID-19 ўтказган беморларни йилига 1 маротаба госпитализация қилинишига эришилиб, 3,6 млн сўм тежашга эришилган. Шифохонада йилига 1 маротаба госпитализация қилинишига эришилган, шифохонада қолиш муддатини 10 кундан 8 кунга камайтирилишига эришилган. Беморларнинг шифохонадан ташқаридаги даври учун (бошқа тиббий муассасаларда даволаниши учун) даволаниши бир неча кунга қисқариши ҳисобига дори-дармон нисбатан кам талаб этилган. Хулоса: Липогенез жараёнининг бузилиши ва коагулопатия сурункали мия ишемияси бўлган беморларда қон томир деменциясининг ривожланишига сабаб бўлувчи асосий омил деб ҳисобланади. Сурункали мия ишемияси бўлган беморларда COVID-19 инфекциясини ўтказгандан кейин липид профилида ва коагулограмма кўрсаткичларининг номуносивблигини аниқлаш орқали ўртача когнитив бузилишларнинг қон-томир деменциясига айланишини олдини олишга эришилди.

тўртинчи илмий янгилик: Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор сурункали бош мия ишемияси бўлган беморларда коронавирус инфекцияси ўтказгандан кейин SARS-CoV-2 вирусининг нейротрансмиттер тизимида таъсир этиши натижасида когнитив бузилишларнинг эрта предикторлари бўлган нейробиомаркерлар фаоллашуви (серотонин ва дофамин рецепторларига бўлган антитаначалар) аниқланганлиги Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1 – сонли Марказий консультатив-диагностик поликлиникаси бўйича 06.09.2022 йилдаги 8-сонли далолатнома билан ва 2 - сонли Марказий консультатив-диагностик поликлиникаси бўйича 06.09.2022 йилдаги 8-сонли далолатнома билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID-19 ўтказган сурункали мия ишемия бўлган беморларда қондаги нейробиомаркерларни (серотонин ва дофамин рецепторларига бўлган антитаначалар) аниқлаш усули касалликнинг эрта даврда ташхислаш, когнитив бузилишларнинг оғир асоратларини олдини олишга эришилган; таклиф қилинган баллик шкала орқали махсус мутахассислар кўриги давомийлиги аниқ белгилаб берилган. Серотонин ва дофамин рецепторларга бўлган антитаначаларни аниқлаш беморларда когнитив етишмовчиликнинг эмоционал фони номуносивблиги билан кечиши аниқланиб психиатр маслаҳатига ўз вақтида юборилган ва оғир депрессив ҳолатнинг юзага келиши олди олинди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) Сурункали мия ишемияси мавжуд бўлган ҳар бир беморнинг ташхисоти учун ўрта ҳисобда 1,2 миллион сўм сарфланади. Беморларни ўз вақтида ташхислаш, когнитив фаолиятини нейроиммунологик усул ёрдамида баҳолаш касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш имконини берди. Бош мия фаолиятини муносивблигини ташхислаш мақсадида Eli-N тести кўрсаткичлари (12 та) орасида (360 минг сўм) бош мия зарарланишини аниқловчи диагностик аҳамиятга эга бўлган 2 та кўрсаткичлар аниқланиб (серотонин ва дофамин рецепторларига антитаначалар) битта бемор учун 75 минг сўм сарфланиб, 285 минг сўм иқтисод қилишга эришилган. Шифохонада йилига 1 маротаба госпитализация қилинишига эришилган, шифохонада қолиш муддатини 10

кундан 8 кунга камайтирилишига эришилган. Хулоса: сурункали мия ишемияси бўлган беморларда COVID-19 инфекцияси ўтказгандан кейин нерв тизимидаги нейроиммунологик жараёнларнинг ўзгаришлари нейротрансмиттер тизимига таъсири билан исботланди. Бу замонавий нейроиммунологик усул ёрдамида текширилиб, қўпол когнитив бузилишлари ҳамда оғир ташвиш ва депрессия синдромлари вужудга келиши мумкин бўлган беморлар сараланиб, баллиқ шкала ёрдамида махсус мутахассислар томон йўналтириб ташхислаш ва даволаш сифати яхшиланган. Беморларнинг шифохонадан ташқаридаги даври учун (бошқа тиббий муассасаларда даволаниши учун) даволаниши бир неча кунга қисқариши ҳисобига дори-дармон нисбатан кам талаб этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацияда баён этилган асосий ҳолатлар 2 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда – 8 та мақола, шу жумладан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Коронавирус инфекциясига учраган сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда ўртача когнитив бузилишлар муаммосига замонавий назар”** деб номланган биринчи бобида адабиётларнинг аналитик шарҳи келтирилган бўлиб, маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар натижалари батафсил таҳлили келтирилган. Шунингдек, СМИ ва COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник ва неврологик хусусиятлари, ЖССТнинг ва етакчи халқаро ташкилотларнинг амалдаги стандартлари, СМИ ва COVID-19 клиник кечиши ва унинг оқибатлари ҳақидаги ҳозирги тушунчалари таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асослаб берилган.

Диссертациянинг “Коронавирус инфекциясига учраган сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда ўртача когнитив бузилишларининг клиник-неврологик ва биокимёвий хусусиятлари бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари” деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи методологик ёндашувлар ва усуллар келтирилган. Тадқиқотда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, сурункали бош мия ишемияси билан касалланган ва коронавирус инфекциясига чалинган 110 нафар бемор клиник кўрикдан ўтказилди. Барча беморлар 2020-2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси қошидаги тиббиёт бош бошқармасининг 2 – сонли марказий клиник шифохонасида даволанди.

Сурункали бош мия ишемиясида коронавирус инфекциясининг когнитив ҳолатга таъсирини қиёсий баҳолаш учун беморлар 2 гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ таркибига коронавирус инфекцияси бўлган 60 (54,5%) нафар бемор кирган; таққослаш гуруҳи эса сурункали мия ишемияси билан оғриган 50 нафар бемордан (45,5%) иборат бўлиб, уларда коронавирус инфекцияси билан касалланганлар бўлмаган.

Анамнестик маълумотларга кўра, асосий гуруҳда беморларнинг 20 фоизиди COVID-19 оғир, 50 фоизиди – ўртача ва 30 фоизиди енгил шаклда кечгани аниқланди. Аломатларнинг ривожланиши инфекциядан кейин бир мунча вақт ўтгач содир бўлган ёки кейинроқ ривожланган ва бир неча ой давом этган.

Чеклаш мезонлари қуйидагилар эди: Алцгеймер касаллиги, қон томир деменцияси, СМИ III босқичи, сурункали касалликларнинг декомпенсация босқичи, ва тадқиқотда иштирок этишдан бош тортган беморлар.

Беморларнинг ёш градацияси биринчи гуруҳда 48 ёшдан 82 ёшгача, иккинчи гуруҳда 47 ёшдан 87 ёшгача бўлган. Уларнинг ўртача ёши мос равишда $63,1 \pm 11,6$ ва $62,3 \pm 10,2$ ёшни ташкил этди. СМИ ва COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник ва неврологик хусусиятларини баҳолаш ўтказилди.

Беморлар когнитив функцияларини баҳолаш учун MMSE ва Монреал (MoCA) шкалалари, депрессияни баҳолаш учун - Гамилтон шкаласидан (HDRS) фойдаланилди.

Барча беморларга иммунологик тадқиқотлар (HumaReader HS планшетли фотометр-анализатор) ёрдамида ўтказилди: GFAP га (астроцит филаментларнинг ўзига хос оксиди), қондаги S100 оксидига, серотонин ва дофамин рецепторларига антитаначалар.

Коагулограмма (HumaClot Junior коагулометри ёрдамида), холестериннинг липид спектри, УХ, ЮЗЛП, ЖПЗЛП, ПЗЛП, ТГ, АК каби биокимёвий тадқиқотлар CS-300B биокимёвий анализатор аппаратида ўтказилди.

Когнитив чақирув потенциалларни (ЧКП) рўйхатга олиш ва қайта ишлаш Нейрософт компаниясига тегишли Нейро МВП-4 электроэнцефалограф-анализаторининг дастурий комплексида фойдаланган ҳолда шахсий компьютерда амалга оширилди.

Назорат гуруҳига СМИ ташҳиси қўйилмаган, худди шу ёшдаги 20 нафар соғлом беморлар ташкил қилди.

Олинган маълумотларга статистик функциялар кутубхонаси ёрдамида EXCEL тўпламида ишлаб чиқилган дастурлар ёрдамида Pentium-4 шахсий компютерида статистик ишлов берилди. Ўртача қийматлардаги фарқлар $p < 0,05$ ишончлилиқ даражасида ишонарли ҳисобланган.

Диссертациянинг **“Коронавирус инфекциясини ўтказган сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда ўртача когнитив бузилишнинг хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида сурункали мия ишемияси фонида анамнезида коронавирус инфекцияси мавжуд бўлган беморларнинг когнитив ҳолати хусусиятларини аниқлаш бўйича қиёсий таҳлил натижалари келтирилди.

Танлов меъзонларига асосланиб, тадқиқотда СМИ 1 ва 2 босқичлари ташхиси қўйилган беморлар иштирок этди. Касалликнинг давомийлиги 1 йилдан 12 йилгача бўлган. Шу билан бирга, касалланишнинг ўртача давомийлиги гуруҳлар ўртасида жиддий фарқ қилмаслиги ва асосий гуруҳда $2,8 \pm 2,3$ йилни, таққослаш гуруҳида $2,6 \pm 2,1$ йилни ташкил этгани қайд этилди.

Клиник ва неврологик текширув натижаларига кўра, анамнезида COVID-19 ўтказган барча СМИ билан оғриган беморларда астения, диққатни жамлай олмаслик, тушкунлик, ташвиш, уйқу бузилиши, нафас қисилиши, хотира сусайиши ва турли хил вегетатив кўринишлар мавжудлиги аниқланди. Таққослаш гуруҳида эса, яъни СМИ билан оғриган, аммо анамнезида коронавирус инфекцияни рад этган беморларда юқоридаги барча шикоятлар ва аломатлар яққоллиги камроқ ёки умуман йўқ эди.

Беморлар томонидан тақдим этилган шикоятларни (1-расм) таҳлил қилганда, асосий гуруҳ беморларида шикоятлар учраши кўпроқ бўлгани аниқланган, масалан энг кўп кузарилган шикоятлар: чарчоқ (беморларнинг 95% да), бош оғриғи (58%), диққат жамланишининг бузилиши (67%), хотира сусайиши (87%) ва соч тўкилиши (63%). Таққослаш гуруҳида уларнинг учраши мос равишда 72%, 36%, 48%, 40% ва 32% эди, бу сезиларли даражада паст эди ($P < 0,05$).

Неврологик ҳолат ўрганилганда асосий гуруҳдаги беморларда таққослаш гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан ўчоқли симптомлар учраш фоизи юқорироқ бўлган ($P < 0,05$).

Барча текширилган беморларда турли даражадаги когнитив бузилишлар мавжуд эди. Шундай қилиб, асосий гуруҳ беморларида MMSE шкаласига кўра, умумий балл $22,35 \pm 0,3$ баллни ташкил этди, бу ўртача когнитив бузилишга тўғри келди, таққослаш гуруҳида ўртача балл ($25,3 \pm 0,3$ балл) сезиларли даражада юқори эди ва аксарият беморларда ўртача когнитив бузилишнинг юқори чегарасига етди (1-жадвал).

Асосий гуруҳдаги беморлар таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳи билан солиштирилганда нутқ, ўқиш ва ёзишни баҳолашда кўп ҳолатларда қийинчилиқларга дуч келишди ($P < 0,01$).

Шундай қилиб, MMSE шкаласи бўйича олинган натижаларни талқин қилиш асосида биз тадқиқотда иштирок этган СМИ билан оғриган беморларда ўртача когнитив бузилишлар мавжудлигини аниқланди; бу борада коронавирус инфекциясининг СМИ билан касалланган беморлар когнитив функцияларига салбий таъсири аниқланган.

MMSE шкаласи асосида беморлар когнитив фаолияти кўрсаткичлари

№	MMSE шкаласи	Асосий гуруҳ (n=60)	Таққослаш гуруҳи (n=50)	Назорат гуруҳи (n=20)	P, Аг ва Тг	P, Аг ва Нг	P, Тг ва Нг
1.	Ориентир Вақт (сана) Жой	3,77±0,13 3,73±0,13	4,56±0,09 4,46±0,10	4,96±0,09 4,86±0,10	<0,05 <0,05	<0,05 <0,05	и/э и/э
2.	Маълумотларни қабул қилиш ва санаш	1,85±0,08	2,44±0,08	3,85±0,11	<0,01	<0,001	<0,05
3.	Диққатни жамлаш	3,35±0,14	3,84±0,10	4,85±0,11	и/э	<0,01	<0,01
4.	Хотира	1,55±0,09	2,34±0,07	3,85±0,11	<0,01	<0,01	<0,01
5.	Нутқ, ўқиш ва ёзиш 2 та буюм номини айтиш	1,61±0,07	1,96±0,03	1,96±0,03	и/э	<0,05	<0,05
	Жумлани такрорлаш	0,96±0,03	1,0±0,00	1,00±0,00	<0,05	<0,05	и/э
	3-босқичли буйруқни бажариш	2,07±0,04	2,04±0,14	2,95±0,01	и/э	<0,05	<0,05
	Ўқиш	0,87±0,04	1,0±0,03	1,00±0,01	<0,05	<0,05	и/э
	Айтилган жумлани езиш	0,6±0,07	0,96±0,02	1,00±0,01	<0,01	<0,01	и/э
	Кўрсатилган чизмани чизиш	0,93±0,07	0,98±0,07	1,00±0,01	<0,05	<0,05	и/э
	Умумий балл	23,35±0,3	25,3±0,3	29,2±0,13	<0,05	<0,01	<0,05

Эслатма: P-гуруҳлар орасида ишонччилик кўрсаткичи

Моса рейтинг шкаласига кўра, асосий гуруҳдаги беморларда таққослаш гуруҳи ($P<0,01$) ва назорат гуруҳи ($P<0,01$) билан солиштирганда анча паст ўртача қийматларни топдилди (2-жадвал).

2-жадвал

Когнитив фаолиятни баҳоловчи Монреал шкаласи

Кўрсаткич	1 гуруҳ	2 гуруҳ	p
Визуал конструктив/ ижро этиш қобилияти (5 балл)	2,9±0,17	3,47±0,22	<0,05
Номланиш (3 балл)	3,0±0	3,0±0	>0,05
Диққат Сонларни тўғри ва тескари тартибда айтиш (2 балл) Реакция (1 балл) 100 сонидан бошлаб 7 ни айриб бориш тартиби, (3балл)	0,9±0,03 0,43±0,02 2,1±0,08	1,8±0,02 0,97±0,01 2,92±0,04	<0,05 <0,05 <0,05
Нутқ: Гапларни такрорлаш (2 балл) Тез айтиш (1балл)	1,1±0,06 0,73±0,05	1,3±0,04 0,8±0,04	<0,05 >0,05
Абстракт фикрлаш (2 балл)	1,4±0,03	1,4±0,02	>0,05
Қайта эсга тушириш (5 балл)	3,81±0,11	4,22±0,15	<0,05
Ориентация (6 балл)	4,9±0,12	5,6±0,14	<0,05
Умумий балл	22,5±0,29	24,8±0,25	<0,05

Когнитив фаолиятни Монреал шкаласи ёрдамида баҳоланганда, асосий гуруҳ вакиллари натижалари ўртача 22,5±0,29 баллни, таққослаш гуруҳи аъзоларида эса 24,8±0,25 баллни ($p<0,05$) ташкил этди. Ушбу маълумотларга кўра, асосий гуруҳ вакилларида паст хотира ва диққатнинг бузилиши ҳаёт сифатининг сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келганлиги ва натижада оила ва жамият саломатлиги учун хавф туғдириши мумкинлиги аниқланди.

Беморларнинг ташвиш-депрессив ҳолатини Гамилтон ташвиш ва депрессияни баҳолаш шкаласи (HDRS) бўйича баҳолашда асосий гуруҳ беморлари жаъми 17,47±0,72 баллга эга бўлди, яъни ўртача ташвиш-депрессив бузилишлар, таққослаш гуруҳи вакилларида эса ушбу кўрсаткич 10,02±0,55 баллни ($P<0,05$) ташкил қилди, ушбу натижа енгил депрессив-ташвиш ҳолати мезонига мос келади. Анамнезда коронавирус инфекциянинг мавжудлиги СМИ билан оғриган беморларнинг руҳий саломатлигини сезиларли даражада ёмонлашишига олиб, бу паст кайфиятда (1,72±0,19 га нисбатан 0,78±0,18; $P<0,05$), айбдорлик ҳисси ривожланишида (1,12 ±0,2 га нисбатан 0,89±0,13; $P<0,05$, акс этади).

Когнитив чақирилган потенциаллар — когнитив фаолиятни электрофизиологик усул воситасида баҳоловчи услубдир.

P300 латентлиги кўрсаткичининг таққослама таҳлили анамнезида COVID-19 инфекциясини ўтказган гуруҳ вакилларида таққослама гуруҳ

вакилларига нисбатан статистик ишончли равишда чўзилишини қайд қилди ($p < 0,05$). Юқоридаги гуруҳ вакилларида P300 латентлиги кўрсаткичи $392,1 \pm 1,4$ мс бўлган бўлса, таққослама гуруҳ вакилларида бу кўрсаткич $354,2 \pm 0,59$ мс ни ташкил қилган (3-жадвал).


3-жадвал

СМИ бўлган беморларда P300 параметрларининг кўрсаткичлари

P300 чўққиси кўрсаткичи	Назорат гуруҳи (n=20)	Таққослаш гуруҳи, (n=50)	Асосий гуруҳ (n=60)
Латентлик даври, мсек	$319,7 \pm 11,2$	$354,2 \pm 0,59^{\wedge}$	$392,1 \pm 1,4^{*\wedge}$
Амплитуда, мкВ	$13,3 \pm 0,9$	$8,6 \pm 0,06^{*\wedge}$	$6,1 \pm 0,04^{\wedge}$
P=Латентлик даври/ Амплитуда	$24,0 \pm 0,4$	$36,6 \pm 0,38^*$	$64,4 \pm 0,48$

Эслатма: * - фарқлар $p < 0,05$ да 1 ва 2 гуруҳларга нисбатан сезиларли; $\wedge$ - $p < 0,05$ да назорат гуруҳига нисбатан фарқлар сезиларли.

MMSE ҳамда Моса шкалалари ва амплитуда кўрсаткичи билан тўғри корреляцион боғлиқлик кузатилди ($r=0,678$ ва $r=0,761$), латентлик даври билан эса – тескари ($r=-0,568$ ва $r=-0,654$). Гамилтон шкаласи ва амплитуда кўрсаткичи ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r=-0,72$) ва латентлик даври билан – тўғри ($r=0,498$) (1-расм).



1-расм. P300 ни нейropsychологик тест кўрсаткичлари билан корреляцияси.

Шундай қилиб, сурункали мия ишемияси бўлган беморларда анамнезда коронавирус инфекцияси мавжудлигининг текширилганларнинг когнитив ҳолатига сезиларли таъсири аниқланди. МоСА, MMSE ва Гамилтон шкалалари бўйича баҳолашга асосланиб, СМИ билан оғриган беморлар анамнезида

коронавирус инфекцияси мавжуд бўлганда ўртача когнитив функцияларнинг клиник кечишининг оғирлашиши исботланган.

Диссертациянинг тўртинчи “Анамнезида COVID-19 инфекцияси бўлган бош мия сурункали ишемияси бўлган беморларда биокимёвий тадқиқотлар кўрсаткичлари хусусиятлари” бобида липидлар алмашинуви, гемостаз кўрсаткичлари ва когнитив дисфункциянинг нейробиомаркерлари баҳоланди. Ушбу таҳлилга кўра, биокимёвий кўрсаткичлар бўйича гуруҳлар ўртасида дислипидемия меъзониغا мос келадиган липид профилидаги ўзгаришлар таққослаш гуруҳига нисбатан асосий гуруҳ вакилларида аниқроқ бўлган (4-жадвал). Жадвалда кўрсатилгандек, СМИ бўлган беморларда ПЗЛП даражаси назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори эди ($P<0,05-0,01$). Шунини таъкидлаш керакки, анамнезида COVID-19 инфекцияси бўлган СМИ билан оғриган беморлар гуруҳида кўрсаткичлар таққослаш гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган ва ўртача ҳисобда $4,46\pm 0,11$ ммол/л га етган ($P<0,05$). СМИ бўлган беморларда ЮЗЛП назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камайди, уларнинг оғирлиги анамнезида COVID-19 инфекцияси бўлган беморлар гуруҳида устунлик қилди ($P<0,01$).

4-жадвал

Гуруҳлар таркибидаги липид профил

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=60)	Таққослаш гуруҳи (n=50)	Назорат гуруҳи
Умумий холестерин, ммол/л	$6,44\pm 0,14^*$	$5,7\pm 0,15^*$	$4,41\pm 0,45$
Триглицеридлар, ммол/л	$1,96\pm 0,12^*$	$1,46\pm 0,11$	$1,22\pm 0,33$
ЮЗЛП, ммол/л	$1,09\pm 0,015^{**}$	$1,14\pm 0,02^{\wedge}$	$1,71\pm 0,21$
ПЗЛП, ммол/л	$4,46\pm 0,11^{**}$	$3,86\pm 0,11^*$	$2,61\pm 0,42$
ЖПЗЛП, ммол/л	$0,89\pm 0,05^{**}$	$0,67\pm 0,05^{\wedge*}$	$0,55\pm 0,12$
Атерогенлик коэффициенти	$5,0\pm 0,25^{***}$	$4,13\pm 0,19^{***\wedge}$	$1,9\pm 0,35$

Эслатма: * - назорат гуруҳи учун маълумотларнинг ишончилиги ($*-P<0,05$; $** - P<0,01$; $*** - P<0,001$); $\wedge$ - назорат гуруҳига маълумотларнинг ишончилиги ($\wedge - P<0,05$; $\wedge\wedge - P<0,01$; $\wedge\wedge\wedge - P<0,001$).

СМИ бўлган беморларда назорат гуруҳига нисбатан АК қийматларининг деярли 3 баравар ўсиши кузатилади ($P<0,01$). Назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада юқори кўрсаткичлар қайд этилди ($P<0,01$).

СМИ билан оғриган беморларда гемостаз функциясини ўрганиш индикаторларнинг номуносивблигини кўрсатди, яъни асосий гуруҳ вакилларида назорат гуруҳига нисбатан ($P<0,05-0,01$) протромбин ($135,5\pm 2,7\%$ га $114,3\pm 1,9\%$ га қарши) ва фибриноген ($4,14\pm 0,07$ г/л га қарши $2,3\pm 0,04$ г/л) кўрсаткичининг сезиларли даражада ошганлиги маълум бўлди. Асосий гуруҳ беморлари анамнезида COVID-19 инфекциясидан сўнг, гемостаз кўрсаткичлари янада аниқ номуносивбликка эга эди. Бу эса, ўз навбатида, тромб ҳосил бўлишининг фаоллашуvidан далолат беради (5-жадвал).

Гуруҳларда гемостаз кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=60)	Таққослаш гуруҳи (n=50)	Назорат гуруҳи (n=20)
Гематокрит, %	40,2±0,59	39,5±0,98	38,4±0,69
ПТВ, сек	13,2±0,34	13,7±0,20	12,4±0,16
Квик бўйича протромбин, %	135,5±2,7*	115,6±2,1*	114,3±1,9
ХНМ	0,97±0,03*	0,96±0,03*	0,88±0,02
ФҚТВ	25,0±0,63**	26,4±0,42*^	32,4±0,27
Фибриноген, г/л	4,14±0,07***	3,86±0,06**^	2,3±0,04

Эслатма: * - назорат гуруҳи учун маълумотларнинг ишончилиги (*- $P<0,05$; ** - $P<0,01$; *** - $P<0,001$); ^ - назорат гуруҳига маълумотларнинг ишончилиги (^ - $P<0,05$; ^^ - $P<0,01$; ^^ - $P<0,001$).


Кейинги босқичда марказий ва периферик асаб тизимининг ҳолатини аниқлайдиган нейромаркерлар параметрларидаги ўзгаришлар аниқланди. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, GFAP ва S100 антитаначалари даражасининг ошиши асосий гуруҳда қайд этилган ва улар назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 2,1 ва 2,2 баравар юқорида бўлган (6-жадвал).

СМИ бўлган беморларда ва деярли соғлом одамларда бош миянинг таркибий элементларига бўлган аутоантитаначаларнинг ўртача даражаси

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=60)	Таққослаш гуруҳи (n=50)	Назорат гуруҳи (n=20)	P АГ и ТГ
GFAP АТ	58,68±1,4	45,71±0,59	27,9±5,7	>0,05
S100 АТ	44,85±1,03	32,53±1,52	20,3±7,6	>0,05
Серотонин рецепторларига АТ	25,85±1,23	19,80±0,31	13,2±0,17	<0,05
Дофамин рецепторларига АТ	21,53±0,92	16,33±0,34	9,1±0,18	<0,05

